



# МАҲАЛЛА – ИСЛОҲОТЛАР ПОЙДЕВОРИ, ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИНИНГ ЛОКОМОТИВИ БЎЛАДИ



## Президент Шавкат Мирзиёев 23 ноябрь куни Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди, аҳоли билан мулоқот қилди.

Шавкат Мирзиёев дастлаб тумандаги Сархумдон маҳалласига борди.

Вазирлик ва идораларни қўйи бўғинга тушириб, жойлардаги муаммоларни ҳал

этиш, барча дастурларни маҳаллабай амалга ошириш — давлатимиз раҳбарининг энг асосий талаби.

Сархумдон маҳалласида ҳам иш шундай

ташкил этилган. Ички йўллар, майдончалар обод қилинган. Яқинда бу ерда янги Маҳалла гузари қурилди. Савдо ва маиший хизмат шохобчалари, болалар ўйингоҳи,

ҳарбий ватанпарварлик майдончаси ташкил этилди.

Маҳаллада 6 минг 500 нафардан ортиқ аҳоли яшайди. Бу ердаги 45 та кўп қаватли уй ўтган асрнинг 70-йилларида қурилган бўлиб, шундан буён кенг кўламда таъмирланмаган эди. Сўнгги йилларда мазкур уйларнинг том ва фасад қисми, кириш йўлаклари мукаммал таъмирланди.

Худудда 360 ўринли мактабгача таълим ташкилоти ва 600 ўринли хусусий мактаб бор. Ундан ортиқ кичик бизнес корхонасида маҳаллий ёшлар ва аёллар ишламоқда.

Президентимиз маҳалладаги шароитларни кўрди. Ҳарбий ватанпарварлик майдончаси билан танишув чоғида бу ерга аскар ва спортчиларни жалб этиб, ёшларни миллий ғурур ва мардлик руҳида тарбиялаш юзасидан тавсиялар берилди.

Маҳаллада “Яшил макон” лойиҳаси доирасида кўчатлар экилиб, мўъжаз боғ барпо этилган. Шавкат Мирзиёев маҳалла оқсоқоллари билан бирга ушбу боққа кўчатлар ўтказди. Нурунийлар юртимизга ҳамиша тинчлик, халқимизга фаровонлик тилаб дуо қилди.

Давлатимиз раҳбари қутилмаганда Гулобод маҳалласига ҳам ўтиб, мавжуд ҳолатни кўздан кечирди, одамлар билан суҳбатлашди.

93 ёшли Анвархўжа ота Президентимизни дуо қилди. Маҳалладаги ўзгаришларни таъкидлаб, оталар чойхонаси қуриб беришни сўради. Шавкат Мирзиёев бу таклифни қўлаб-қувватлаб, отахонга мустаҳкам солиқ тилади.

Гулобод маҳалласида Шайхонтоҳур тумани Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамда 41-умумтаълим мактаби жойлашган. Президентимиз мазкур мактабларни ҳам кириб кўрди, ўқитувчилар билан гаплашди.

— Кўряпсизлар, таълим билан муаллимга шароит яратишга ҳаракат қилаямиз. Бугун бу ерга келиб, ўзимга кўп хулоса қилдим. Бу мактаб биносини ҳам янгиланмиш. Фанлар учун, спорт учун яхши шароитлар бўлади. Бугун бир тарихий кун бўлиб қолади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз 41-умумтаълим мактаби ошхонаси таомномасини кўздан кечирди. Мактаб ошхоналарида сифатли, тўйимли,

баланслаштирилган таомнома бўлиши учун кейтеринг хизматини аутсорсинг асосида ташкил қилиш борасида пухта лойиҳа тайёрлаш бўйича мутасаддиларга кўрсатма берди.

Мактаб ҳудудини кўкаламзорлаштириш, дарахт кўчатларини экиш ва энг асосийси, ўқувчиларнинг бу борадаги кўникмаларини болалигиданоқ шакллантириб бориш зарурлиги қайд этилди.

Президент маҳаллалар аҳолиси билан мулоқот қилди.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбари тумандаги Марказий кўп тармоқли поликлиникани бориб кўрди.

Ушбу шифо маскани 1994 йилда қурилган, 2017 йилда реконструкция қилинган. Бу ерда терапия, неврология, кардиология, ревматология, аллергология, педиатрия, жарроҳлик каби бўлимлар, ташхис ускуналари мавжуд.

Марказий поликлиника ва унинг таркибидаги 9 та оилавий поликлиникада тумanning 51 та маҳалласида яшовчи 346 минг нафар аҳолига хизмат кўрсатилмоқда.

Президентимиз ушбу поликлиникалар негизида тиббиёт кластери ташкил этиш бўйича кўрсатма берди.

— Замон талаби шундай: хусусий тиббиёт ривожланиб бораверади. Аҳолининг бир қисми хусусий клиникаларга боради. Лекин давлат барча аҳолини сифатли тиббиёт билан қамраб олиши керак. Шунинг учун бу ерни кластерга айлантириб, даволашни манзилли йўлга қўйиш, самарадорлиги ва қамровини ошириш зарур. Одамлар тиббиётда адолатни сезиши керак, — деди Президент.

Мутасаддиларга бу борада топшириқлар берилди.

Шавкат Мирзиёев Шайхонтоҳур тумани Олим Хўжаев номидаги маҳаллада ҳам бўлди. Бу ерда ўтган асрнинг 60-йилларида қурилган икки қаватли уйларни реновация дастури асосида янгилаш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбарига бу борадаги лойиҳа ҳақида маълумот берилди. Президентимиз маҳалладаги нурунийлар, хонадон эгалари билан суҳбатлашди.

Президент тумандаги “Реал Текс Ташкент” масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан ҳам танишди.

▶ Давоми 2-бетда

## МУНОСАБАТ

# ЎЗБЕКИСТОН — АХБОРОТ СОҲАСИДАГИ ГЛОБАЛ ТАШАББУСЛАР МАКОНИ

Президентимиз “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида “Маъмурий ислохотларни амалга оширишдан асосий мақсад — ихчам ва профессионал ижро органлари тизимини, замонавий менежментга асосланган бошқарув тизимини яратишдан иборат”, дея таъкидлаган эди.

Ана шу мақсадларга эришишда замонавий ахборот технологиялари ҳал қилувчи аҳамият касб этишини таъкидлаган ҳолда, мамлакатимизда амалга оширилган тарихий ислохотлар самарадорлиги, аввало, барча соҳага замонавий АКТни жорий этиш борасида олиб борилаётган сиёсатимиз билан ўзвий боғлиқлигини эътироф этиш ўринли бўлади.

Ўз навбатида, ахборот технологиялари новаторлиги Президент Шавкат Мирзиёев танлаган сиёсий йўлнинг муҳим таркибий қисмига айлангани билан ҳам изоҳланади ва бу жуда муҳим ҳаётий заруратдир. Юқорида таъкидлаганимиздек, Ўзбекистон Президентининг ахборот соҳасидаги илғор ташаббуслари, замонавий ахборот технологиялари имкониятларидан

унумли фойдаланиш ва шу мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатлари жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги чуқур демократик ислохотлар самарадорлигини таъминлаб бермоқда.

Давлатимиз раҳбари ҳар сафар ахборотлаштириш ва рақамлаштириш жараёнларидан кенг фойдаланиш зарурлиги тўғрисидаги вазифаларга тўхталар экан, ахборот технологияларини ривожлантириш масалалари ахборот хавфсизлигининг юқори технологик тизимини шакллантириш билан қамбарчас боғлиқлигини таъкидлаб ўтади.

▶ Давоми 3-бетда

## ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК


# Ўзбекистон ва Россия: барқарор стратегик шериклик муносабатлари



Ўзбекистон дунёда ўзининг мустаҳкам ўрнига эга давлатлар қаторига кириди. Бугун Ўзбекистон Республикаси томонидан халқаро муносабатларнинг бошқа субъектлари билан узоқ истиқболли, ўзаро манфаатли ва прагматик муносабатлар олиб борилмоқда.

▶ Давоми 2-бетда

## Президент Шавкат Мирзиёев 22 ноябрь куни қайта тикланувчи энергия манбаларини кўпайтириш ва соҳани ривожлантириш масалалари муҳокамаси юзасидан йиғилиш ўтказди.



**2019** йил **21** майда “Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида” қонуни қабул қилиниб, соҳа ривожига асос яратилди. Хорижий инвесторлар жалб этилиб, кўлаб истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилди.

Жорий йил августда Навоий вилоятида юртимиздаги ilk қуёш фотозлектр станцияси ишга туширилди. Келгуси ойда Самарқандда яна бир шундай станция фойдаланишга топширилади.



Яқинда Шотландиянинг Глазго шаҳрида бўлиб ўтган иклим бўйича халқаро саммитда Ўзбекистон **2030** йилгача иссиқхона газларининг ялпи ички маҳсулот бир бирлигига тўғри келадиган улушини **2010** йилга нисбатан **35** фоизга камайтириш ташаббусини эълон қилди. Бунинг учун барча асослар бор. Хусусан, **2026** йилга қадар мамлакатимизда қуёш ва шамол электр станциялари умумий қувватини **8** минг мегаваттга етказиш чоралари кўрилади.



Йиғилишда ушбу мақсад йўлидаги вазифалар, лойиҳаларни амалга оширишнинг молиявий ва ташкилий жиҳатлари муҳокама қилинди.



Келгуси йилда Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Наманган ва Фарғона вилоятларида жами **900** мегаваттлик яна **5** та қуёш электр станциясини барпо этиш бўйича инвесторлар танлови яқунланади.



Давлатимиз раҳбари, аввало, шу лойиҳаларга эътибор қаратиб, уларни ўз вақтида ишга тушириш юзасидан кўрсатмалар берди. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Энергетика вазирлигига халқаро молия институтлари билан ҳамкорликда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.



Президентимиз йирик sanoat корхоналари ҳам ўз таъминоти учун қайта тикланувчи энергия манбалари ташкил этиши зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, аҳоли ва тadbirkorларнинг қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишини қўлаб-қувватлаш кераклиги айтилди.



Келгусида қуриладиган қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш учун бутловчи қисмлар ва материалларни юртимизда ишлаб чиқариш орқали ҳам лойиҳаларни арзонлаштириш, ҳам маҳаллий корхоналар учун бозор яратиш мумкин.



Бўлажак электр станцияларини сифатли ишлатиш учун малакали муҳандис ва ходимлар ҳам зарур. Давлатимиз раҳбари бу ишларни ҳозирдан оқибатга қадар тайёрлаш марказини ташкил этиш, олий таълим муассасаларидаги ўқув дастурларини замонавий талаблар асосида янгилаш юзасидан кўрсатмалар берди.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида (кейинги ўринларда — Оролбўйи минтақаси) тadbirkorлик фаолиятини ташкил этишни ва юқори қўшилган қийматли рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш орқали худудга инвестицияларни жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш, шунингдек, тadbirkorларнинг муаммо ва таклифларини бевосита ўрганиш ҳамда тadbirkorликни келгусида ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаб олиш бўйича **2021 йил 20 август кун**и ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тadbirkorлар билан **очиқ мулоқоти** доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида:

1. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва Хоразм вилояти ҳокимлигининг **2022 йил 1 январдан:**

а) **2031 йил 1 январгача** Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманидаги маҳаллий sanoat, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳаларидаги тadbirkorлик субъектлари учун:

фойда солиғи, айланмадан олинadиган солиқ, ижтимоий солиқ, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи бўйича ўрнатилган солиқ ставкаларини **1 фоиз этиб белгилаш;**

мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларини мазкур солиқлар бўйича ҳисобланган суммадан **1 фоиз миқдорида белгилаш;**

б) **2025 йил 1 январгача** Хоразм вилоятининг Тупроққалъа, Янгиарик, Янгибозор туманларида янги ташкил этиладиган ва шу туманларда рўйхатдан ўтган ҳолда фаолият кўрсатadиган тadbirkorлик субъектлари (кластерлар бундан мустасно) бўйича:

фойда солиғи, юридик шахслардан олинadиган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаларини **50 фоизга камайтириш;**

▶ Давоми 2-бетда





# МАҲАЛЛА — ИСЛОҲОТЛАР ПОЙДЕВОРИ, ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИНИНГ ЛОКОМОТИВИ БЎЛАДИ



Бошланиши 1-бетда

Қиймати 50 миллион доллар бўлган мазкур корхона шу йил май ойида ишга туширилган. Замонавий ускуналар ўрнатилиб, ип-калава, мато ва тайёр тўқимачилик товарлари ишлаб чиқариш, бўйш ва гул босиш йўлга қўйилган. Ўтган қисқа вақт мобайнида 390 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланиб, 19 миллион долларлик экспорт қилинган.

Корхона йилига 22 минг тонна ип-калава, қарийб 6 миллион погон метр мато тайёрлаш қувватига эга. Бу ерда 1 минг 800 киши иш билан таъминланган.

Давлатимиз раҳбари корхона маҳсулотларини қўздан кечирди.

Мутасаддиларга қайта ишлашнинг кейинги босқичларини ўзлаштириб, маҳсулот турлари ва экспорт географиясини кенгайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Шу ерда Тошкент шаҳри ва туманлар ҳокимлари, сектор раҳбарлари, маҳалла раислари иштирокида йиғилиш бўлди. Йиғилишда янги тизим асосида маҳаллаларда туман ҳокими ёрдамчиси ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг ёрдамчиси — ёшлар етакчиси лавозимларини жорий этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

— Дунёда бундай тажриба ҳам, китоб ҳам йўқ. Бунинг учун, аввало, фидойи бўлиш, халқни севиш керак. Бу икки лавозимда ишлайдиганлар маҳаллада

ислохотлар пойдевори бўлади. Улар тadbиркорликни ривожлантириш, ишсизликни камайтириш, ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатини амалга оширади. Ушбу вазифа катта масъулият ва шарафдир, — деди Президент.

Шайхонтоҳур тумани бўйича янги тайинланган ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчилари сўзга чиқиб, маҳаллалардаги муаммолар, уларни ҳал этиш борасидаги таклифларини айтди. Давлатимиз раҳбари уларни қўллаб-қувватлаб, мутасаддиларга кўрсатмалар берди.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**  
**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**  
**ЎЗА мухбирлари**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

## ОРОЛБЎЙИ МИНТАҚАСИДА ТАДБИРКОРЛИКНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

улар томонидан белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилаётган ўз ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) эҳтиёжлари учун олиб кириладиган хомашё, материалларни **божхона божидан озод қилиш**;

в) Хоразм вилоятида **янги барпо этилаётган боғлар, тоқзорлар ва тутзорлар эгаллаган ерларга**, дарахтларнинг қатор ораларидан қишлоқ хўжалиги экинларини экиш учун фойдаланилишидан қатъи назар, юридик шахслардан олинандиган ер солигини тўлаш бўйича **имтиёзли даврни беш йил этиб белгилаш** тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

Молия вазирлиги икки ой муддатда мазкур банддан келиб чиқиб, Солиқ кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда tutувчи қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 августдаги “Инвестиция лойиҳаларини ташқи инфратузилма билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–5233-сон қарорига мувофиқ зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқлари билан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таъминланадиган инвестиция лойиҳалари қиймати **камида 50 миллиард сўм миқдоридан белгилансин**.

Бунда, ушбу тартиб бўйича **50 миллиард сўмдан 200 миллиард сўмгача** бўлган инвестиция лойиҳаларининг ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини таъминлаш билан боғлиқ харажатлар ушбу лойиҳалар қийматининг **20 фоизидан ошмаслиги лозим**.

3. Молия вазирлиги (Т.Ишметов) Марказий банк (М.Нурмуратов) билан биргаликда Хоразм вилоятида ижтимоий-иқтисодий ривожланишдан ортада қолаётган ва ишсизлик даражаси юқори бўлган **98 та маҳалла** учун 2022–2026 йиллар давомида:

а) Оилавий тadbиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида: “маҳаллабай” ишлаш тизимини жорий этиш мақсадида **200 миллиард сўм**; аҳолини тadbиркорликка ўқитиш ва жалб қилиш лойиҳаларини амалга оширадиган нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш учун **50 миллиард сўм**

миқдоридан кредит ресурслари ажратилишини қўзда тутсин;

б) Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ҳисобидан инфратузилмани ривожлантириш учун **150 миллиард сўм маблағ ажратилишини таъминласин**.

4. Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан **2022 йил 1 январдан 2027 йил 1 январгача** Оролбўйи минтақасида фаолият юритаётган:

кичик тadbиркорлик субъектларига корхона курилиши учун зарур бўлган асбоб-ускуна ва техникаларни республиканинг бошқа ҳудудларидан олиб келиш ҳамда улар томонидан ишлаб чиқарилган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни республиканинг бошқа ҳудудларига етказиб бериш билан боғлиқ темир йўл транспортда **ташиш харажатларининг 50 фоиз қисmini қоплаб бериш**;

маҳаллий экспортчилар томонидан ишлаб чиқарилган юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни экспорт қилишда, уларнинг Каспий денгизигача ташиш билан боғлиқ транспорт харажатларини **тўлиқ қоплаб бериш тартиби жорий этилсин**.

Ташқи савдо, инвестициялар, маҳаллий саноатни ривожлантириш ва техник жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси (С.Умурзаков) **бир ой муддатда** Экспортни рағбатлантириш агентлиги томонидан Оролбўйи минтақасидаги тadbиркорлик субъектларининг юқ ташиш харажатларини **қоплаб бериш тартибини** тасдиқласин.

5. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (А.Воитов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (К.Сариев), Хоразм вилояти ҳокимлиги (Ф.Эрманов), манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** Қорақалпоғистон Республикасида **45 та** ва Хоразм вилоятида **40 та янги кичик саноат зоналари**ни белгиланган тартибда ташкил этиш чораларини кўрсин.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Президенти**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2021 йил 23 ноябрь

### ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

## ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ: БАРҚАРОР СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ



**Амирбек КЕНЖАЕВ,**  
**Олий Мажлис ҳузуридаги**  
**Қонунчилик муаммолари**  
**ва парламент tadқиқотлари**  
**институтини масъул ходими**

Бошланиши 1-бетда

Хусусан, Конституциямизнинг 17-моддаси биринчи хатбошида “Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларининг тўла ҳуқуқли субъекти эканлиги, унинг ташқи сиёсати давлатларининг суверен тенгчилиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан tadқид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланиши” белгиланган. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг замонавий ташқи сиёсий фаолияти ва дипломатиясини тинчликсеварлик, яқин қўшничилик тамойилларига асосланган, десак муволаф бўлмайди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда барча соҳаларда кенг қўлмалли ислохотлар амалга ошириб келинмоқда. Президентимизнинг 2017 йил 7 фев-

ралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони асосида “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг қабул қилиниши билан Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий фаолияти ва дипломатиясида ҳам янги устувор йўналишлар белгиланди. Хусусан, Ҳаракатлар стратегиясини “**Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили**”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 302-бандида Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепцияси ва Мудофаа доктринаси лойиҳаларини тайёрлаш вазифаси қўйилди ҳамда 2018 йил 9 январда Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди ва унинг 10-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси мудофаа соҳасидаги сиёсатининг **бошқа давлатларга қарши ҳарбий куч ишлатмаслик, хавфсизликнинг бўлиnmаслиги, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, эҳтимол тутилган низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмаслик** каби принциплари белгиланди.

Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси минтақа ва жаҳоннинг қўллаб-қувватлари билан ўзаро манфаатли ва прагматик ташқи сиёсий алоқалар олиб бормоқда. Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёев ўзининг “**Янги Ўзбекистон стратегияси**” номли китобида “мамлакатимизнинг ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлари барқарор, адолатли ва демократик давлат қуришга, унинг ташқи дунёга очилишини илгари суришга ҳамда минтақаий ва кўп томонлама ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилганлигини” таъкидлаб ўтди. Ундан ташқари, “**ўтган даврда Россия, Хитой, АҚШ, Германия, Франция, Туркия, Япония, Жа-нубий Корея, Ҳиндистон, Покистон,**



Бирлашган Араб Амирликлари каби дунёнинг олис ва яқин мамлакатлари билан кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган келишувларга эришилганлиги ва “йўл хариталари” тасдиқланганлиги” тўғрисида маълумотлар бериб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсий фаолияти ва дипломатиясида Россия Федерацияси алоҳида ўрин эгаллайди. Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерацияси билан икки томонлама алоқалари мустаҳкам асосларга эга. Хусусан, Ўзбекистон ва Россия ўртасида дипломатик алоқалар 1992 йилнинг 20 март санасида ўрнатилгандан сўнг, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли икки томонлама алоқаларнинг ўтган салкам 30 йил даври мобайнида ўзига хос тарихи шаклланди. Соҳавий нуқтаи назардан икки давлат ўртасидаги алоқаларни сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий, мудофаа ва хавфсизлик соҳаларидаги ҳамда халқаро ташкилотлар доирасидаги алоқалар соҳаларига

бўлиб чиқса бўлади. Масалан, 2004 йилнинг 16 июнида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида номуайян муддатга мўлжалланган **Стратегик шериклик тўғрисида Битим** имзоланиши орқали икки давлат **ҳарбий-сиёсий, савдо-иқтисодий** ва **еуманилар соҳалардаги алоқаларнинг** устувор йўналишлари белгиланди. 2005 йил 14 ноябрда Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида **Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида Шартномани**нг имзоланиши орқали эса икки давлатнинг **миллий, минтақаий ва халқаро хавфсизликни таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш** масалалари бўйича мажбуриятлари белгиланди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар ҳам жадал суръатлар билан ўсиб бормоқда. 2016 йил якунлари бўйича Ўзбекистоннинг Россия билан ўзаро савдо ҳажми 4237,5 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2020 йилда мазкур кўрсаткич 5,6 миллиард АҚШ

долларидан ошди, 2021 йил якунлари бўйича эса 7 миллиард АҚШ долларига яқин бўлиши кутилмоқда. Мазкур кўрсаткичларнинг ўсиб бориши, бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги ўзаро савдо-иқтисодий манфаатлар ўсиб бораётганидан далолат беради.

Ундан ташқари, икки мамлакат БМТ, ШҲТ, МДҲ ва бошқа шу каби нуфузли халқаро ташкилотлар доирасида ҳам ўзаро манфаатли алоқалар олиб бормоқда. Бугунги кунда коронавирус пандемиясининг ҳали ҳам давом этаётгани, Марказий Осиё минтақаси ва Афғонистондаги вазиятни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги алоқалар янада муҳим аҳамият касб этмоқда. Масалан, икки давлат ўртасида **коронавирусга қарши курашиш, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, Афғонистон муаммосини тинч йўл билан ҳал қилиш** масалаларида кенг қўлмалли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, “COVAX” ягона глобал ташаббуси доирасида Россия Федерацияси Ўзбекистон Республикасига “Спутник V” вакцинасини етказётгани, 2021 йил 2 августда Ўзбекистон Республикасининг Термиз тоғ полигонидан 1,5 минг ҳарбийлар иштирокида бўлиб ўтган Ўзбекистон — Россия ҳарбий ўқувлари шулар жумласидандир.

Президент Шавкат Мирзиёев 2021 йил 19 ноябрь кун Владимир Путиннинг таклифига биноан ташриф билан Россияга бориши ҳам Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги икки томонлама ўзаро манфаатли алоқаларнинг келажакдаги истиқболларини белгилаб берди. Хусусан, ташриф доирасида кейинги тўрт йилда Ўзбекистонда Россия сармояси иштирокидаги корхоналар сони икки барбарга кўпайиб, қарийб 3 мингташи ташкил этаётгани, Ўзбекистон иқтисодиётида Россиядан жалб қилинган инвестициялар ҳажми 10 миллиард доллардан ошгани ва жадал ўсишда давом этаётгани, умумий

қиймати 14 миллиард долларлик истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилаётгани таъкидланди ҳамда Президентимиз иқтисодиёт тармоқларида ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш учун катта заҳиралар борлигини қайд этди.

Давлат раҳбарларининг учрашуви давомида Ўзбекистон – Россия стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда кўп қиррали ҳамкорликни, энг аввало, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳаларда кенгайтиришнинг долзарб масалалари батафсил кўриб чиқилди. Ҳозирда давлатлар ва жамиятга хавф солаётган энг катта хатарлардан бири бу – турли ахборот хатарлари. Мазкур йўналишда ҳам икки давлат Президентлари **Халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Қўшма баёнот** қабул қилди. Ташриф якуни бўйича, умумий ҳисобда жами 18 та икки томонлама ҳужжат имзоланди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерациясига ташрифи аҳамияти ҳақида гапирадиган бўлсак, бу тўғрисида расмий муносабатлар ҳам билдириб ўтилди. Хусусан, Россия Федерацияси ташқи ишлар вазирининг ўринбосари А.Руденко мазкур ташрифга жиддий тайёргарлик кўрилгани ва тарихий аҳамиятга эга бўлиши ҳақида фикр билдириб ўтган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, инвестициялар ва ташқи савдо вазирининг С.Умурзаков икки давлат минтақаларо форумида Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентлигига қайта сайлангандан сўнг чет давлатларга биринчи ташрифи бўлгани ҳақида айтиб ўтди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги икки томонлама ўзаро манфаатли алоқалар, минтақаий ва глобал шарт-шароитларни, икки давлатнинг миллий манфаатлари ва савдо-иқтисодий эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, ҳақиқатан ҳам узоқ истиқболли характер касб этади.





www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news

## МУНОСАБАТ



## ЎЗБЕКИСТОН — АХБОРОТ СОҲАСИДАГИ ГЛОБАЛ ТАШАББУСЛАР МАКОНИ

**Илҳом АБДУЛЛАЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
хузуридаги Ахборот соҳасини ва оммавий  
коммуникацияларни ривожлантириш масалалари  
бўйича жамоатчилик кенгаши раиси

Бошланиши 1-бетда

Шу сабабли охириги беш йилда биз нафақат миллий ахборот технологиялари инфратузилмасининг ўсиб боришига, балки аҳоли фаровонлиги, давлат ва жамиятнинг янада барқарор ривожланишини кўзлаб, ахборот-коммуникация технологияларидан хавфсиз фойдаланишнинг янги стратегик асослари шаклланаётганига ҳам гувоҳ бўлмоқдамиз.

Ўзбекистон Президентининг ахборот-технологиялари ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ташаббуслари миллий, минтақавий ва глобал IT-тараққиётнинг муҳим ҳаракатлантирувчи кучига айланган. Мазкур ташаббусларнинг долзарблиги ва истиқболли экани нуфузли халқаро ташкилотлар фаолияти кун тартибининг ажралмас қисми сифатида ўрин олиши, халқаро ҳамжамият томонидан ўзаро мувофиқ ва келишилган қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилиш учун асос яратишга хизмат қилмоқда.

Фикримиз далили сифатида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг самми-

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг ШХТнинг ахборот хавфсизлиги соҳасидаги экспертлар форумини таъсис этиш тўғрисидаги ташаббуси (2021 йил 18 октябрь) муҳим сиёсий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, ушбу форум Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларнинг кибермақонда замонавий таҳдидлар ва хавфларга муносиб жавоб қайтариш бўйича ўзаро келишилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишга қаратилган ҳамкорлигининг амалий механизмини яратишга ёрдам беради.

Бугунги кунда халқаро экспертлар ҳамжамияти яна бир муҳим стратегик ташаббус — Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин томонидан имзоланган **Халқаро ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида Қўшма баёноти** (2021 йил 19 ноябрь) кенг муҳокама қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг Россияга ташири чоғида имзоланган мазкур ҳужжат стандарт келишувлар доирасидан анча кенг бўлиб, Ўзбекистон ва Россия раҳбарларининг ахборот тарақ-



БМТ томонидан ташкил этилган икита экспертлар гуруҳи форматида — БМТнинг 2021-2025 йилларда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш соҳасидаги ва ахборот-коммуникация технологияларининг хавфсизлиги масалаларига доир Очiq таркибдаги ишчи гуруҳи, шунингдек, Очiq таркибдаги махсус ҳукуматлараро экспертлар кўмитаси томонидан ишларни давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

Президентлар Интернет тармоғини бошқаришни такомиллаштириш, шу жумладан, бу жараёнда иштирок этиш учун давлатларнинг тенг ҳуқуқларини таъминлаш масалалари бўйича бошқа халқаро майдонларда ҳам БМТнинг фаолиятини мувофиқлаштиришни кучайтириш зарурлигига яна бир бор халқаро жамоатчилиكنинг эътиборини қаратдилар.

Ўзбекистон ва Россия давлатлари раҳбарлари Қўшма баёнот қабул қилиш билан МДҲ ва ШХТ иштирокчиси бўлган давлатларнинг халқаро ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ҳамкорлигини чуқурлаштириш борасида эришилган натижани кўллаб-қувватладилар. ШХТ маконида ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси томонидан тайёрланган ШХТга аъзо давлатларнинг ҳукуматлари ўртасида Халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги (2009 йил 16 июнь) Битим асосида Ташкилотга аъзо давлатларнинг Халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳамкорлик режасини амалга оширишга қўллаб-қувватлаш истагини билдирдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Россия Федерацияси Президенти

баёнотнинг улкан амалий салоҳиятга эга эканини таъкидлаш керак. Халқаро ҳамжамият АКТдан жиний мақсадларда фойдаланишга қарши курашиш, кибер-дипломатия тизимини ривожлантиришга доир кенг қамровли халқаро конвенцияларни мазкур баёнот асосида тайёрлаш ҳамда қабул қилишга доир ишларни концептуал асосда йўлга қўйиш каби имкониятларга эга бўлиши мумкин.

Ҳозирнинг ўзидаёқ кўллаб мамлакатларнинг ҳукумат экспертлари ва мустақил экспертлар Қўшма баёнотда ифодаланган қарашларни кўллаб-қувватлади. Шунингдек, унинг оммабоплиги, очиклиги, демократик тамойилларга мослигини ва амалий натижаларга эришишга йўналтирилганини алоҳида таъкидлади.

Қабул қилинган Қўшма баёнот халқаро ҳамжамият томонидан ахборот хавфсизлиги соҳасидаги мавжуд ва эҳтимоллий хавф-хатарлар борасидаги умумий тушунчаларни ишлаб чиқишда, бу хатарларнинг олдини олишга ва уларга қарши курашишга доир биргаликдаги чора-тадбирларни кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Ишонч чораларини мустаҳкамлашга ва халқаро ҳамкорлигининг салоҳиятини кучайтиришга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин томонидан Халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида Қўшма баёнот қабул қилингани Ўзбекистоннинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан жиний мақсадларда фойдаланишга қарши курашиш, ахборот соҳасида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилиш, тинчликсевар амалий сиёсатни амалга ошириш борасидаги етакчилик мавқеини бутун дунёга яна бир бор намоён этади.

Мамлакатимиз томонидан жаҳон ҳамжамиятига ахборот жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида тақлиф этилаётган чора-тадбирлар миллий амалиётимиз натижадорлигига асослангани билан аҳамиятлидир. Тарихан қисқа давр ичида мамлакатимиз рақамлаштириш ва ахборотлаштириш соҳасида минтақада етакчилик даражасига қийиб олди. Шунингдек, Ўзбекистон давлатлараро ва трансмиллий янги IT-лойиҳаларини жорий этиш, АКТдан қонунга хилоф равишда фойдаланиш хатарларини қамайтириш соҳасида



денти халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Ўзбекистон — Россия ҳамкорлигини янада чуқурлаштиришга ишонч билдирдилар. Россия Федерацияси Ҳукумати ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ўртасида Халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида тегишли Битимнинг имзоланиши айнан шунга қўмақлашди.

Умуман олганда, Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари қабул қилган Қўшма

ҳам халқаро ҳамкорлик учун очiq маконга айланди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Ўзбекистон Президентининг Россия Федерациясига ташири мамлакатимизнинг юксак салоҳиятини, мавжуд имкониятлари ва таърибасини дунё билан баҳам қўришга ҳамда глобал барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун яқиндан ҳамкорлик қилишга тайёр эканини яққол намоён этади.

## ДИЛДАГИ ГАПЛАР

## ХАЛҚ ОВОЗИ — ҲАҚИҚАТ ОВОЗИ

**Маҳмуд ТОИР,**  
Ўзбекистон халқ шоири

Барча замонларда халқнинг маънавий қиёфаси, аввало, унинг адабиёти, бадий, илмий-сиёсий тафаккури билан ўлчанган. Бугун ҳам шундай. Агар шу сифатлар бир инсон тийнатида жамулжам бўлса-чи?! Ундай одамнинг чехрасидан файз нури ёғилиб туради. Элу юрт барака топади, саодат топади. Чунки унинг қалбида ақл билан сайланган, меҳр билан тобланган, имондан офтобланган пўлат сўзи бор! Агар у инсон бир улкан миллатга етакчи бўлса-чи?! Яратганининг ўзи ато этган бундай истеъдод соҳибининг, бундай раҳбарнинг фақат ўз халқиғина эмас, балки дунёга айтар сўзи бўлади.



Комил ишонч билан айтаманки, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг фидойилиги, оқиллиги, очiq мулоқоти ва ошқора сиёсати, шаффоф ишхотлари туфайли Ўзбекистон том маънода демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар, хайрли ташаббуслар, амалий ишлар мамлакатига айланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг президентлик фаолиятига киришган дастлабки йилданок оддий заҳматкаш халқимиз манфаатини ўйлаб қабул қилган қарорлари, бошқарув тизимидаги туб ўзгаришлар, жорий этилган янгилар кўпчиликнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган эди. Айнан Президентимиз ташаббусининг маҳсули бўлган Халқ қабулхоналари, “Халқ билан мулоқот”, Виртуал қабулхона каби ижтимоий-сиёсий институтлар халқаро демократик амалиётда учрамаган ноёб янгилар, бетакор сиёсий-ижтимоий ҳодиса сифатида дунё етакчиларининг юксак баҳосига сазовор бўлди.

Кўз очиб юмгунча, орадан 5 йил ҳам ўтди. Бугун жуда кўллаб мамлакатлар аҳолиси фуқароларининг ҳаётини фаровону обод қилишга, истакларини тўла-тўқис амалга оширишга куч-қувват, имкон тополмай ҳалак бўлиб турган пайтда Президентимизнинг узққни кўзлаб юриётган сиёсати не-не юртлар раҳбарларига бамисоли дастуриламал бўляпти. Қолаверса, Шавкат Мирзиёев иштирок этган халқаро анжуманларда кўллаб давлатлар раҳбарлари, таниқли сиёсатшунослар дилидан “Ўзбекистон етакчиси нима деркин?” деган ўй ўтадиган бўлиб қолди.

Бунинг сабаби оддий: Президентимиз фақат ўз халқи манфаатини эмас, балки дунё халқлари тинчлиги, оёсийишталиги, фаровонлигини, айниқса, ёшлар истиқболини ўйлаб, миллатлар бирлигини кўзлаб, аниқ, ёрқин, ҳеч кечиктирмай амалга оширилиши зарур бўлган фикр ва ташаббуслар билан чиқадики, тан олишдан, маъқуллашдан ўзга чора қолмайди. Бинобарин, бу-



гун ўз халқи, давлати фаровонлигини истаган раҳбар дунёга очiq чехра билан, кенглик билан боқиши лозим. Чунки ҳеч бир халқ бошқалардан узилган ҳолда, дунёдан ажралган заилда тараққий этмайди, ривожланмайди!

Таъкидлаш жоизки, Халқ қабулхоналари оддий меҳнат кишининг, яъни ўзини эътибордан четда ҳис қилаётган баъзи ҳамюртларимизнинг ушалмаган орзулари рўёби учун очилган ошик бўлди. Бу даргоҳга қадам қўйган ҳар бир ватандошимиз миллати, тили, динидан қатъи назар, адолат қарор топишига ишонапти.

Дунёнинг бирон мамлакатига учрамайдиган ижтимоий лойиҳалар — “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” сингари амалий сайёҳаракатлар халқни рози қилиш нуктаи назаридан катта-кичик барча раҳбарларга тўтилаётган кўзга, аслида. Тўғри, минг хил уй-ҳаёл, минг хил эҳтиёжи одамларни рози қилиш мушкул масала. Аммо кўпчиликнинг истагини, хоҳишини рўёбга чиқариш, фикрини кўллаб-қувватлаш, албатта, мумкин ва бундай имконият ҳамда вақолат давлат раҳбарига бошқалардан кўра кўпроқ экани ҳеч биримизга сир эмас.

Айнан Президентимизнинг барча вилоят ва туманлардаги ишонч ва шижоати тимсоли бўлган Халқ қабулхоналарида, шуқри, кўллаб муаммолар ечимини тоپяпти, қонуний ҳужжатлар ижроси таъминланмоқда. Шу боис, “Темир дафтар”лардан чиқарилаётганлар сони кун сайин ортмоқда. Замонавий андозалар асосида шаклланган маҳаллалардаги янги уй-жойларга кўчиб ўтиб, қўзида қувонч ёшлари билан Яратганга беадат шуқрона айтаётганларни гоҳ ойнаи жаҳонда, гоҳ бевосита қўриб, ўзимиз ҳам энтикамыз, шундай юртда яшаётганимиздан фахрланиб кетамиз.

Халқ қабулхоналарининг нуфузи, обрўси, қадри янги Ўзбекистонимизда ўзгача, бўлакча. Бу қўлгўл даргоҳга келиб, ўз мушқулига ечим, саволига жавоб топаётганларнинг кўнглидаги нур мазкур бинони янада ёритиб юбормоқда гўё. Шоирона айтсам, бу қувонч ва розилик ёғдулари бир нуктага жам бўлиб, янги Ўзбекистон зиёсига айланмоқда!

Бундан ташқари, яқинда навбатдаги Президент сайловида энг кўп овоз кўллаб, ғалаба қозongan Шавкат Мирзиёев давлат раҳбарлиги лавозимига киришиш тантанасидаги нутқида: “Халқ қабулхоналари том маънода халқ овозини, жамоатчилик фикрини ифода этадиган тузилмага айланиши учун қўшимча ҳуқуқий асослар яратилади”, деди. Демак, Халқ қабулхоналарининг ишлаш тизими янада такомиллаштирилади, таъсир қўлами янада ортади. Одамларда заррача эътироз ва тушунмовчиликларга ўрин қолдирмайди.

Муҳими, Президентимиз алоҳида таъкидлаганидек, “Биз бундан буён фаолиятимизни **“инсон — жамият — давлат”** деган янги тамойил асосида ташкил этамиз”. Табиийки, бу тамойил Халқ қабулхоналари масъуллари зиммасига жуда катта вазифалар юқлайди. Умид қиламыз, улар ўз садақоти, ҳалоллиги, поклиги ва жонқурлиги билан давлатимиз раҳбари ҳамда қорақўз халқимиз ишончини тўла оқтайди.

Халқ қабулхонаси бу — адолат оstonаси,  
Юз ўттиз эл-элатининг йўқ бизда беғонаси.  
Янги Ўзбекистонда очилки сиёсат,  
Бизда ҳалқ давлатимиз — давлат халқ парвоноси.





## Абдурауф ҚОРЖОВОВ, иқтисодий шарҳловчи

Президентимиз шу йил 17 ноябрь куни кимё саноатида амалга оширилаётган ишлар таҳлили ва янги лойиҳалар муҳокамаси юзасидан ўтказган йиғилишда мамлакатимиз иқтисодиётида олиб борилаётган таркибий ўзгаришлар бугунги кунда ўз самарасини кўрсатаётганини алоҳида эътироф этди. Хусусан, кимё саноатида сўнгги беш йилда умумий қиймати 2 миллиард 100 миллион долларлик 16 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, 3 мингта янги иш ўрни яратилган.



## ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

# ТЕХНОЛОГИК КЛАСТЕРЛАР ВА ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР

## кимё саноати корхоналари истиқболини белгилайди

### ЎЗГАРИШЛАР ҚАНДАЙ БОШЛАНГАН ЭДИ?

Харакатлар стратегиясининг қабул қилиниши кимё саноатига ўзгариш экинларини олиб келди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги “Ўзкимёсаноат” АЖ бошқаруви тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарорига асосан, мазкур акциядорлик жамияти бошқаруви аъзолари тўлиқ янгидан тайинланди, тизим тармоқлари ва бошқарув аппарати тузилмалари қайтадан шакллантирилди.

Мазкур ҳужжатга биноан, 2017–2021 йилларда соҳани ривожлантириш дастури тасдиқланди. Унда умумий қиймати 2,1 миллиард долларга тенг 16 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириб, саноат маҳсулотлари ҳажмини 4,6 марта, экспортни 1,6 баробар ошириш ҳамда 3 мингта янги иш ўрни яратиш вазифаси белгилан олди.

— 2017 йилда истеъмолчиларга минерал ўғит етказиб бериш мақсадида жамият ҳузурида экспорт-импорт операцияларини амалга оширувчи ягона агент “Ўзкимёимпэкс” МЧК ташкил этилди, — дейди “Ўзкимёсаноат” АЖ раиси Жўрабек Мирзамаҳмудов. — Минерал ўғитлар ва бошқа товарлар нархларини декларация қилиш бекор қилиниб, уларга ички бозорда олдиндан юз фоиз тўлов жорий қилинди. Маҳсулотлар фақат биржа орқали сотиладиган бўлди. Натижада дебитор қарздорлик, деган молиявий тўсиқ барҳам топди. Маҳсулотларни мамлакатимизнинг ҳар қандай бурчагига темир йўл орқали етказиб беришнинг ягона тарифи амалга киритилди.

Президентимизнинг 2018 йил 25 октябрдаги қароридан кейин тизимда туб ислохотлар қўламини янада кенгайти, тармоқни жадал ривожлантириш ва диверсификация қилишнинг устувор йўналишлари белгилан берилди. Агар Кўнгирут сода заводининг қалцийланган сода ишлаб чиқариш қуввати 200 минг тоннага етказилган бўлса, Тошкент вилоятида Хитойнинг “Poly Technologies” компанияси билан

ҳамкорликда қишлоқ хўжалиги техникалари ва автомобиллар учун шиналар, конвейер ленталари ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилди.

### ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАР ДРАЙВЕРИ

Кимёгарларнинг таърифича, рангсиз газ ва органик модда ҳисобланган винилхлориддан мураккаб кимёвий жараёнлар орқали поливинилхлорид ҳосил қилинади. Ундан 3000 дан орттиқ турдаги маҳсулот ва материаллар ишлаб чиқариш мумкин. У, айниқса, электротехника, озиқ-овқат, оғир машинасозлик саноатлари, тиббиёт буюмлари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда жуда асослади. Жаҳон бозорига ҳам харида чаққон. Йиллик ўсиш 5-6 фоиз атрофида. Хусусан, 2019 йилнинг ўзига Ўзбекистонга қиймати 90 миллион доллардан орттиқ бўлган 100 минг тоннага яқин поливинилхлорид импорт қилинган.

Каустик сода нефть-кимё саноатида маҳсулотларни тозалаш ва биодизель ёнилиш, целлюлоза-қоғоз, тўқимачиликда матоларни бўяш, ипакчилик

маҳсулотлари, қурилишда газобетон, бинолар пойдеворини мустаҳкамлаш, парфюмерия-косметикада совун, шампун, ювиш воситаларини ишлаб чиқаришдан тортиб, фармацевтикада антисептик моддалар, ҳатто турли хил ширинликлар тайёрлашда зарур хомашё ҳисобланади.

Табиий газни қайта ишлаш ҳисобиغا олинмайдиган метанолдан фойдаланиш йўналишлари ҳам тобора кенгайиб борапти. Ундан, асосан, дори-дармон, мебеллар тайёрлаш, кимё ва автомобилсозликда хомашё сифатида қўлланилади.

Шу боис, “Навоийазот”да поливинилхлорид, каустик сода ва метанол ишлаб чиқариш мажмуасининг очилиши мамлакатимизда мазкур турдаги маҳсулотларга бўлган эҳтиёжнинг анча қисмини таъминлашга хизмат қилиб келяпти.

Ушбу лойиҳа Хитойнинг “China CAMC Engineering Co. LTD” ва “HQC Shanghai Company” компаниялар консорциуми билан ҳамкорликда амалга оширилди. Мажмуани барпо этиш, энг замонавий технология ва ускуналар билан жиҳозлашга 500 миллион

доллар инвестиция сарфланди. Бу ерда йилга 100 минг тонна поливинилхлорид, 75 минг тонна каустик сода, 300 минг тонна метанол ишлаб чиқарилди. Ҳар йили мамлакатимизнинг ушбу маҳсулотларга бўлган импорт эҳтиёжини қоплаш бораберида 40 миллион долларлик маҳсулотни экспорт қилиш режалаштирилган. Янги мажмуада 900 дан зиёд иш ўрни яратилди.

Мазкур қувватлар аҳамияти шу билангина чекланиб қолмайди. Саноат учун мутлақо янги бўлган ПВХ маҳсулотларини ишлаб чиқишнинг ўзи мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига, қурилиш материаллари, полимер маҳсулотлари, истеъмол товарлари соҳасида янгидан-янгича кичик корхоналар ва иш ўринлари пайдо бўлишига ҳам хизмат қилади.

Маълумки, ишга туширилган ва амалга оширилаётган йирик лойиҳалар орасида “Навоийазот” акциядорлик жамиятидаги умумий қиймати 1,7 миллиард долларлик 3 та инвестиция лойиҳаси алоҳида ўрин тутди.

Президентимизнинг ташаббуси ва бевоқиф иштирокида мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида ишга тушган азот кислотаси ҳамда аммиак ва карбамид корхоналари соҳа ривожига қўшимча суръат берапти. Умумий қиймати 1,2 миллиард доллар бўлган ушбу лойиҳалар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини 3 баробар ошириб, унинг қийматини йиллик 150 миллион доллардан 410 миллион долларга олиб чиқади.

Янги қувватлар 1965-1967 йилларда фойдаланишга топширилган биринчи ва иккинчи навбатли аммиак ишлаб чиқаришнинг эскирган ускуналаридан фойдаланишдан воз кечиш имконини берди, — дейди “Навоийазот” АЖ мутахассиси Илдор Нечаев. — Улар ўта замонавий ва тежамкор технологиялар билан жиҳозланган. Ҳар бир жараёни бошқарув маркази орқали қўзғатиб борамиз. Масалан, тозаланган сув истеъмолчини олайлик. Ававалгисига нисбатан 60 фоизга, айланма сува бу сарфи эса икки баравардан қўпга қисқарди. Янги лойиҳаларда замонавий технологияларни қўллаш эвазига бир йилда ат-

мосферага чиқадиган ўртача 46,8 минг тонна аммиак газини ушлаб қолинади. Бинобарин, қувватларнинг ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортган. Биринчи корхонада йилга 660 минг тонна аммиак ва 577,5 минг тонна карбамид ишлаб чиқарилади. Бунда бир тонна аммиак учун энергия сарфи 2,5 марта камаяди. Иккинчи корхонада эса йилга 500 минг тонна азот кислотаси тайёрланиб, электр энергияси сарфи 18 марта қисқаради. Фақатгина ана шу иккита лойиҳа эвазига ишлаб чиқарилаётган азотли ўғит таннархи 30 фоизга пасаяди. Йилга умумий қиймати 400 миллиард сўмлик ўртача 736 миллион кВт. соат электр энергияси тежалади.

Мутахассисларнинг қафолат беришича, тайёрланаётган маҳсулотлар сифати аъло, ҳар қандай ҳалқаро талабга тўла мос келади. Бу хусусиятлар уларнинг жаҳон бозорига харидориги ва рақобатбардошлигига ишонч ёрлиги бўлиб хизмат қилади.

— Бу ерда Япониянинг илғор технологиялари ўрнатилган ва синовдан ўтказилган, — дейди “Mitsubishi Corporation” компанияси Яқин Шарқ ва Марказий Осиё бўйича вице-президенти Касуо Инада. — Улар япон стандартлари ва жаҳоннинг энг юқсак мезонларига тўла жавоб беради. Ўртингизнинг юқори салоҳиятли мутахассислари замонавий ишлаб чиқаришни бошқаришни тез эгаллаб олди. Биз бунинг учун ўқув ва малака ошириш курсларини ташкил қилдик.

### ЯНГИ ИСТИҚБОЛ ИМКОНИЯТЛАРИ

Президентимизнинг “Навоийазот” АЖга ташрифи чоғида поливинилхлорид корхонасининг иккинчи босқичи қурилишига тамал тоши қўйилди. 400 миллион доллар қийматга эга бўлган ушбу лойиҳа поливинилхлорид ишлаб чиқариш қувватини йилга 220 минг тоннага, каустик содани эса 165 минг тоннага етказиш имконини беради. Шу тариқа электротехника, мебелсозлик, қурилиш материаллари саноати, маиший кимё ва бошқа соҳаларда йилга талаб юқори бўлган 210 миллион долларлик маҳсулотлар тайёрлаш йўлга қўйилади. Уни 2023 йилда ишга тушириш мўлжалланган.

Қайд этиш жоиз, бундай корхоналар Марказий Осиё ва дунёнинг бизга яқин минтақаларида ҳам жуда кам, — дейди “Ўзкимёсаноат” АЖ раиси ўринбосари, “Навоийазот” АЖ бошқаруви кенгаши раиси Одил Темиров. — Фақат Туркиянинг ўзига йилга 1 миллион тонна поливинилхлоридга талаб бор. Яна бир муҳим томони, бу корхона орқали “Навоийазот” ва “Электр кимё заводи” негизда йирик, ўзаро интеграциялашган кимё кластерини ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Мамлакатимиздаги иқтисодий лойиҳалар ўзаро оқилона боғланган ва бир-бирини тўлдирди. Масалан, 2030 йилгача 8 минг мегаватт қувватга эга

қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш режалаштирилган. Бу йилга 5 миллиард куб метр табиий газни иқтисод қилиш имконини беради. Яъни газ қайта ишланиб, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар тайёрланади, демак.

— Мамлакатимизда углеводород хомашёси ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлаб, импорт ўрнини босувчи ва экспортбон маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича катта салоҳият бор, — дейди “Ўзкимёсаноат” АЖ раиси Жўрабек Мирзамаҳмудов. — Хусусан, кейинги беш йилда кимё саноатида ишлаб чиқариш 1,5 баробарга, экспорт ҳажми 190 миллион доллардан 310 миллион долларга ошди.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 13 февралдаги қарорига мувофиқ, келгусида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент, Навоий ва Фарғона вилоятларида яна 4 та юқори қийматли товарлар ишлаб чиқаришга қаратилган технологик кимё кластерлари фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган.

“Фарғонаазот” негизидagi кластерда лак-бўёқлар, мебель учун меламин, тўқимачилик саноати учун сунъий толарлар тайёрланиши кўзда тутилган. Навбатдагиси Қорақалпоғистон Республикасида, Ўстюрт ҳудудида жойлаштирилади. Унда кальцийланган сода, поливинилхлорид, полиэтилен ва полипропилен ишлаб чиқарилади. Тошкент вилоятида ташкил этиладиган кластерда мономмонийфосфат, олтингурутлик карбамид, бошқа фосфорли ва азотли минерал ўғитлар, протеин, ювиш воситалари тайёрланади.

Бу лойиҳаларнинг ўз вақтида ишга тушиши натижасида 2026 йилга бориб, кимёвий товар маҳсулотлари ҳажми жорий йилга нисбатан 3 марта ортди ва 2030 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 7 фоизини ташкил этади.

Кимё соҳасини ривожлантириш ва жаҳон бозорларида рақобатбардошликни таъминлаш, тармоқни тубдан диверсификациялаш кўп жиҳатдан илмий-тадқиқот, лойиҳалаш, инжиниринг, диагностика марказлари ва асосийси, малакали кадрлар салоҳияти билан бевосита боғлиқ. Шу жиҳатлар назарда тутилган ҳолда, Тошкентдаги Улугбек шаҳарчасида кимё соҳасида илмий ва таълим кластери ташкил этилади. У 4 та олиқ таълим муассасаси ва кимё бўйича замонавий илмий-тадқиқот марказини қамраб олади.

Президентимиз кимё саноатида амалга оширилаётган ишлар таҳлили ва янги лойиҳалар муҳокамаси юзасидан бўлиб ўтган йиғилишда бу режалар тармоқдаги улкан имкониятларга нисбатан етарли эътиборини, инвестиция жалб этиб, маҳсулотларни қўйиштириш мумкинлигини таъкидлади.

Келгуси йилда ишлаб чиқариш ҳажмини 12 триллион сўмга, экспортни 380 миллион долларга етказиш имкониятларини қўриб чиқиш, соҳани рақамлаштириш, корхоналарда операциялар ҳажмлари ва энергия сарфини қисқартириш орқали маҳсулот таннархини камайтириш вазифасини белгилан берди.

Ҳа, ававаллари “Ўзкимёсаноат” фақат минерал ўғит ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келган. Ҳозирги кунда тайёрланаётган бошқа турдаги (органик, ноорганик, кимё реагентлари ва бошқа) кимё маҳсулотларининг тури 108 тага етди ҳамда уларнинг умумий ҳажмдаги улushi 23 фоизни ташкил этмоқда. Кимё саноатини ривожлантириш бўйича қабул қилинган стратегиянинг амалга оширилиши натижасида, 2030 йилга бориб бу кўрсаткич 55 фоизга етади. Агар ҳар бир йўналишдаги лойиҳаларда маҳсулотлар таннархи юқори сифат мезонлари асосида таъминланса, экспорт ҳажми ҳам 5-6 баробар ошади ва унда асосий ўринни юқори қўшилган қийматли маҳсулотлари эгаллайди.

### ТИББИЁТ

## ИСЛОҲОТЛАР БАЛАНДПАРВОЗ ГАПЛАРДА ЭМАС, АМАЛДА САМАРА БЕРМОҚДА

### Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Тан олиш керак, Орол денгизининг қуриши минтақа экотизимига талафот келтириши билан бирга аҳоли саломатлигига ҳам жиддий хавф туғдирмоқда. Шу боис, ҳудудда мазкур фожианинг глобал таъсирларини юмшатиш, биринчи галда, одамлар соғлигини муҳофаза қилиш бугун устувор вазифага айланган.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Энг муҳими, мен бу гални қайта-қайта айтишдан чарчамайман, амалга ошираётган ишларимизнинг натижасини фуқароларимиз амалда, ўзларининг кундалик ҳаётида, албатта, сезиши керак. Нега деганда, одамлар эртага эмас, узоқ келажакда эмас, бугун яхши яшашни истади ва бундай истак табиий, албатта”.

Шу ўринда айтиш лозимки, халқимиз саломатлигини йўлида олиб борилаётган ислохотлар фақат қорозда эмас, амалда ҳам ўз ижобатини топаёттир. Буни қорақалпоқ эли ўз кундалик турмушида кўриб, ҳис қилаётгани аини ҳақиқат.

Статистик маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида бугунги кунда 38 та шифохона, 17 та кўп тармоқли марказий поликлиника, 80 та оилавий поликлиника, 43 та оилавий шифокорлик пункти фаолият кўрсатмоқда. Уларда 3971 нафар шифокор ва 13 755 нафар ўрта тиббиёт ходими аҳоли саломатлигини муҳофаза қилмоқда.

Узоққа бормайлик, ҳудудда бундан 3-4 йил олдин ҳам тез тиббий ёрдам хизмати кўрсатиш сифати жуда паст эди. Йўлларнинг абгор ҳолати ҳамда эскирган автошиналар белгиланган манзилга вақтида етиб бора олмас, оқибатда бу ҳолат аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлган.

Утган йиллар мобайнида мазкур хизматнинг моддий-техник имкониятлари тубдан яхшиланди. Эскирган машиналар янгисига алмаштирилди. Соҳага юқори малакали шифокорлар жалб этилди. Айнан шу хизматда фаолият юритаётган ходимларнинг маошлари оширилди. Бугунги кунда ҳудудда 152 та тез тиббий ёрдам бригадаси фаолият кўрсатмоқда. Шундан 135 таси умийий врачлик, 17 таси реанимация ва яна 3 таси фельдшерлик бригада ҳисобланади. Республика бўйича

17 та тез тиббий ёрдам бўлимлари мавжуд.

— Нукус шаҳри аҳолисига тез тиббий ёрдамни кенгайтириш ва сифатини яхшилаш мақсадида жойларда подстанциялар ташкиллаштирилмоқда, — дейди Республика шифокорлик тиббий ёрдам илмий маркази Қорақалпоғистон филиалининг бўлим раҳбари Парахат Пирлепесов. — Бугунги кунда 152 та тез тиббий ёрдам машинасига GPS ўрнатилди. Бу эса автомобиллардан самарали фойдаланиш имконини яратмоқда. Шунингдек, 2021 йилда 12 та маҳсул тез тиббий ёрдам автотранспорти харид қилиниб, туман тез тиббий ёрдам бўлимларига берилди.

Қорақалпоғистон Республикасидаги тез тиббий ёрдам бригадалари сони 2016 йили 92 тани ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб, уларнинг сони 65,2 фоизга қўпайтирилди. Уларга 149 нафар шифокор бириктирилди.

Чақириқ манзилига етиб бориш вақти 35-40 дақиқадан 15-20 дақиқага, яъни 2 баробарга қисқарди. Битта тез тиббий ёрдам бригадасининг ҳар бир чақириққа сарфланадиган вақти 45 минутдан 38 минутга камайди.

Эътироф этиш керак, тез тиббий ёрдам хизматининг яхшиланиши, дори-дармон билан тўлиқ таъминланиши туфайли кўплаб касалликларнинг оғир асоратлари олди олиниб, шифохоналарга ётқизил-

ганлар сони йилдан-йилга камайишига эришилмоқда.

— Туманимиз Орол денгизи яқинида жойлашганига боис, тез-тез тузули буронлар бўлиб туради, — дейди Эпиккальа тумани тиббиёт бирлашмаси раҳбари ўринбосари Мухаммад Бекжанов. — Шунини инобатга олиб, туманлараро кардиология ва эндокринология бўлимлари ташкил этилди. Бундан ташқари, поликлиникаларимизда биринчи марта таъм сезгирлигини аниқлайдиган “Хенкен” методини йўлга қўйдик. Бу метод туманимиз аҳолиси орасида кўп учрайдиган қорак-қон томир касалликларига эрта ташхис қўйиш, барвақт даволаш ҳамда профилактика қилиш имконини бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 28 декабрдаги “2021–2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2021 йилда Қорақалпоғистонда 8 та соғлиқни сақлаш объектини янгидан қуриш ва реконструкция қилиш ишлари режалаштирилган. Бу мақсадлар учун 45 миллиард 672 миллион сўм маблағ йўналтирилмоқда.

— Тизимдаги даволаш-профилактика муассасалари шу йилнинг 6 ойи давомида жами 27 миллиард 163 миллион сўмлик 20 турдаги зарур тиббий асбоб-



ускуналар билан таъминланди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги ўринбосари Акмал Аскаров. — Шунингдек, республикада бугунги кунда 274 та хусусий тиббий муассаса фаолият юритаётгани ҳам тиббий хизмат сифатини яхшилашда асосий омил бўлмоқда.

Жорий йилда 10 та янги хусусий тиббий муассаса ташкил этиш ва мавжуд 10 та хусусий клиникани кенгайтириш режалаштирилган. Шу кунга қадар 17 та янги, 10 та хусусий тиббиёт муассасаси ўз фаолиятини кенгайтирди.

Қорақалпоғистон тиббиётини шу йили ҳам жуда кўп янгиликлар юз бермоқда. Хусусан, биринчи марта Республика кўп тармоқли тиббиёт марказида бўйрак трансплантацияси жарроҳлик амалиёти амалга

оширилди. Шунингдек, туғма кар-соқов беморлар учун кохлеар имплантацияси жарроҳлик амалиёти йўлга қўйилди. Қорақалпоғистон тиббиёт институтининг замонавий инновация клиникаси ўз ишини бошламоқда.

Бундай янгиликларни кўплаб келтириш мумкин. Эътироф этиш керакки, юқоридаги каби кенг қўламли саяҳатлар туфайли Оролбўйи ҳудудида яшаётган аҳоли орасида эндокрин касалликларига чалиниш даражаси 22 фоизга, туберкулез билан касалланиш 30 фоизга, қорак-қон томир касалликлари билан бирламчи касалланиш 3,5 фоизга камайишга эришилди. Шу факт ва рақамлар ҳам ислохотлар баландпарвоз гапларда эмас, амалда самара бераётганини аниқлатади.





www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news

## НУҚТАИ НАЗАР

**Низомжон ҒОҒУРОВ,**  
**Наманган давлат**  
**университети**  
**ижтимоий фанлар кафедраси**  
**мудир, тарих фанлари**  
**номзоди, доцент**

Бундан беш йил аввал Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси истиқболимиз тақдирини ҳал этувчи муҳим ва янги давр босқичини ифодаловчи дастур, давлатимизда сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга ошириш бўйича муҳим стратегик ҳужжат сифатида кучга кириб, ҳаётимизга кенг татбиқ этилди. Давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларни ривожлантириш ва либераллаштириш, ҳавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, пухта ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат юритиш стратегиянинг устувор йўналишлари этиб белгиланди.



# МИЛЛАТНИНГ МУШТАРАК МАҚСАДЛАРИ

## тараққиёт ва фаровонликни таъминлайди

Шу йиллар давомида Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатидаги ислохотлар сари ташланган муҳим қадам бўлиши билан бирга, давлатнинг халққа, халқнинг давлатга бўлган муносабатини ўзгараётганида намоён бўлди. Жонажон юртимизнинг ҳар бир фуқароси миллати, тили ва динидан қатъи назар, эркин, тинч ва фаровон умр кечириши, бутун ҳаётдан рози бўлиб яшashi давлатнинг бош мақсадига айланди.

Ҳаракатлар стратегиясида давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш масаласи жуда муҳим ўрин тутди. Зеро, Ҳаракатлар стратегиясининг етакчи локомитиви — бу давлат ва унинг органлари. Ислохотларнинг гарови ва қафолати ҳокимиятнинг самарали фаолияти билан боғлиқ. Изчил ислохотлар натижасида 110 та самарасиз идораларро орган тугатилди, 10 та янги вазирлик ва идора тузилди, 6 та давлат функцияси хусусий секторга ўтказилди. Жумладан, барча шаҳар ва туманларда Давлат хизматлари марказлари иш бошлади ва уларда 100 га яқин турдаги давлат хизматлари кўрсатилиши йўлга қўйилди. Бу билан фуқароларнинг қимматли вақти тежалди, турли идораларга боришдан, қозғозбозликдан, ортиқча оворагарчиликлардан халос бўлди.

Давлат ва жамият ишларини юритишда парламентнинг роли кучайтирилди. “Ҳукумат соати” институти жорий этилди. Олий Мажлис палаталарида мунтазам равишда ҳукумат аъзоларининг ҳисоботлари тингланмоқда. Халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман кенгашлари сессияларида ҳам ҳокимлар, давлат бошқаруви идоралари, сектор раҳбарларининг ҳисоботлари оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида эшитилмоқда. Аҳоли мурожаатлари билан ишлашда Халқ қабулхоналари ва Президентнинг виртуал қабулхонаси ташкил этилгани муҳим аҳамиятга эга бўлди. Улар аҳоли билан бевосита мулоқотни, тезкор жавоб беришни ва жойларда муаммоларнинг самарали бартараф қилинишини таъминлади. Сунгги беш йил мобайнида ушбу тизим орқали 10,1 миллиондан ортиқ мурожаат қўриб чиқилди.

Бошқарувда адолатли тизим шаклланмас экан, қонун устуворлигини ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиб бўлмайдди. 2017–2021 йилларда суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлашга катта аҳамият қаратилди. 2018 йилда давлат органларининг қонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидадан шикоят қилиш учун маъмурий судлар тузилди. Улар томонидан 2019 – 2020 йилларда 31,3 мингга ариза қўриб чиқилиб, деярли 70 фоизи (21,2 минг) қаноатлантирилди. Шу жумладан, ҳокимларнинг 2,6 мингга қарори қонуний деб топилди.


Фуқаролар ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ҳам ислохотлар ўтказилди: “прописка” тизими қайта қўриб чиқилди. Зўравонликдан зарар кўрган аёллар учун 197 та реабилитация маркази тузилди. Уларга “ҳимоя ордери” берилиши тартиби киритилди. Фуқароликка эга бўлиш тартиби соддалаштирилди. Чегараларда “яшил” ва “қизил” йўлаклар тизими жорий этилди.

Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон биринчи марта БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига киритилди.

**Натижа аҳолининг**  
**реал даромадларида**  
**акс этмоқда**

**Халқро реитинглар —**  
**энг ҳолис баҳо**

Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш йўналишида амалга оширилган ислохотлар натижасида юртимизнинг ташқи савдо айланмаси 1,4 баробар ўсди. Инфляция даражаси 18,8 фоиздан 11 фоизгача пасайди. Оптин-валюта захиралари 26,4 миллиарддан 34,9 миллиард АҚШ долларигача ўсди. Кўпгина солиқ ставкаларининг қайтагирилиши натижасида аҳоли реал даромадлари бир неча баравар кўпайди.



**Халқимизнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилди. Бюджетдан ушбу соҳа учун ажратиладиган маблағлар 2,1 баробар оширилди. Тиббий муассасаларнинг моддий-техник базаси 7,5 трлн сўм эвазига мустаҳкамланди. Халқ таълими тизими ислохотлари ўлароқ, 2017 – 2021 йилларда 328 та янги мактаб қурилди ва 11 йиллик мажбурий мактаб таълими тикланди.**

фатида миллатнинг муштарак мақсадларида намоён бўлади. У, ўз навбатида, ижтимоий ҳаётнинг барча баҳаларида янги тармоқларнинг, ишчи ўринларнинг пайдо бўлишига, аҳоли реал даромади ва шунга мувофиқ турмуш даражасининг ўсиб боришига хизмат қилади. Орта қолган беш йиллик мобайнида аҳолининг турмуш даражаси ортиши қайд этилган. Уртача ойлик иш ҳақи 1,3 миллион сўмдан 2,6 миллион сўмгача ўсди. Шу давр ичида аҳоли жон бошига жами даромад эса 5,8 миллион сўмдан 11,7 миллион сўмгача ўсди.

Халқимизнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилди. Бюджетдан ушбу соҳа учун ажратиладиган маблағлар 2,1 баробар оширилди. Тиббий муассасаларнинг моддий-техник базаси 7,5 трлн сўм эвазига мустаҳкамланди. Халқ таълими тизими ислохотлари ўлароқ, 2017 – 2021 йилларда 328 та янги мактаб қурилди ва 11 йиллик мажбурий мактаб таълими тикланди. Педагог ва тиббий ходимларни мажбурий меҳнатга жалб қилиш амалиёти бутунлай бартараф этилди. Натижада педагоглар мактабда, олимлар ўз лабораторияларида, талабалар аудиторияларида машғулотларни давом эттириш имкониятига эга бўлдилар. 2019 йилдан бошлаб ишлаётган нафақахўрларга пенсиялар 100 фоиз миқдоридан тўлана бошланди.

ва молиявий ёрдам шаклидаги давлат кўмагини олиши йўлга қўйилди. Ўзбекистон кўп миллатли, турли диний конфессиялар вакиллари ҳамжиҳатликда яшайдиган мамлакат. Шу жиҳатдан ҳавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш йўналишида амалга оширилган ислохотлар ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Юртимизнинг қўшни давлатлар билан дўстона ва ўзаро манфаатли алоқалари мустаҳкамланди. Чегаралар ҳамда сув-энергетик ресурслардан фойдаланишга оид масалалар тартибга солинди. Ҳозир Ўзбекистонда 86 та давлат фуқаролари учун визасиз режим амал қилади (2016 йилда у 9 та эди). Бу ислохотлар самарасида мамлакатимиз кўплаб халқро рейтингларда сезиларли юқориларди.

Юртимиз раҳбарияти нуфузли халқро ташкилотлар минбарларидан туриб, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар моҳиятини жаҳон ҳамжамиятига етказмоқда. Бутун дунё ва минтақа халқларини ташвишга солаётган кўплаб муаммоларни

ҳал этиш юзасидан ўз ташаббусларини илгари сурмоқда.

### Энг масъулиятли жараён

Халқимиз кенг кўламли саяё-ҳаракатларни ўз кўзи билан кўрди, шахсий ҳаётида самарасини ҳис қилди, бу эса уларнинг келажакка бўлган ишончини мустаҳкамлади. Яқинда ўтказилган Президент сайловида фуқароларимизнинг фаол иштироки, сайловчилар ташрифнинг юқори кўрсаткичлари, унда амалдаги Президентимизнинг ишонли ғалабаси ватандошларимизнинг давлатимиз сиёсатида, ислохотларимизга ишончининг ёрқин намоёни бўлди.

Сайловчилар билан учрашувда давлатимиз раҳбари: “Биз ўтган беш йилда катта тажриба орттирдик. Халқимиз бизга ишонди ва инонди. Айни вақтда эл-юртимиз биздан янги режа ва дастурларни амалга оширишни кутмоқда”, деган эди.

Халқимизнинг ана шундай ишончи ва орзу-ниязлари, эзгу умидларини рўёбга чиқариш мақсадида юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, фуқаролар ва миллатлар ўртасида дўстлик ва тотувлик муҳитини мустаҳкамлаш, халқимизнинг маънавий дунёсини янада юксалтириш, Ўзбекистонда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир ватандошимизнинг ҳуқуқ ва эркинликлар, қонуний манфаатларини ҳимоя этиш, қафолати даромад манбаи, тиббий хизматлар ва уй-жой, сифатли таълим билан таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ва эҳтиёжманд аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, мамлакатимизнинг халқро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини оширишга қаратилган янги Ўзбекистон стратегияси ишлаб чиқилди.

Стратегиянинг моҳияти тактик вазифаларни белгилашдан иборат бўлиб, уни амалга ошириш энг масъулиятли жараён. Агар у реал вазиятни тўлиқ қамраб олган яхлит ва бир бутун режа бўлса, унинг муваффақияти таъминланади.

INNO  
week  
2021



yuz\_official

“INNOWEEK.UZ – 2021”  
ХАЛҚАРО ҲАФТАЛИГИ

# ЯНГИ ИННОВАЦИОН ВА ИНВЕСТИЦИОН ИМКОНиятлар МАЙДОНИ

Пойтахтимизда хорижий илмий-инновацион марказлар, инвестиция жамғармалари, технологик агентликлар, технопарклар ва бизнес инкубаторларнинг фаол иштирокида навбатдаги “InnoWeek.Uz-2021” инновацион ғоялар халқро ҳафталиги бўлиб ўтмоқда. Бу анжуман мавжуд инновацион технологиялар билан танишиш, янги бизнес муносабатларни йўлга қўйиш, потенциал сармоядорларни жалб этиш ва ишончли ҳамкорлар топиш учун ажойиб имкониятдир.



Ҳафталик доирасида ўндан ортиқ тадбир ўтказилиши режалаштирилган. Унда инновация кириб борган ҳар бир соҳа фаолиятига эътибор қаратилади ҳамда янги лойиҳалар турли кўргазмаларда тақдим этилади.

Ҳафталикнинг илк тадбири — “Оролбўйини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудига айлантирамиз” мавзусидаги халқро конференцияда асосий эътибор Оролбўйи минтақасида инновациялар ҳамда экологик тоза энергия ва сув тежовчи технологияларни жорий этиш, чўлланишнинг олдини олиш ва экологик туризм ривожига қаратилди. Унда Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазири Иброҳим Абдурахмонов Япония билан SATREPS дастури доирасида илмий-тажриба ишлари ва Германия билан CLIENT III дастури доирасида янги қўшма танлов ўтказишга пойдевор қўйилгани эълон қилди.

Маҳаллий ва хорижий технологияларни намойиш этиш, аҳоли ҳаёт даражасини яхшилаш ва технологиялар алмашинуви орқали иқтисодиёт учун фойдали янги инвестицион имкониятларни жалб қилиш мақсадида ташкил этилган ёрқин тадбирлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирмоқда. Халқро инновацион ярмарка, пандемиядан кейинги давр учун инновациялар ва инвестициялар форуми, олий таълим муассасалари ва илмий таъкилотлар билан ҳўжалик бошқаруви органлари, тармоқ таъкилотлари ва ҳудудлар ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган илмий ишланмаларни тижоратлаштириш форумининг иккинчи (кузги) босқичи маҳаллий ва хорижий ҳамкорлар, инвесторларга янги истиқболли инновацион ишланмалар билан танишиш имконини бермоқда.

Инновацион экотизимни барпо этишда бу каби тадбирларнинг аҳамияти бекиёс, — дейди. Инновациялар миллий офиси директори Олимжон Тўйчиев. — Негаки, айнан шундай тадбирларда янгидан-янги ихтиролар, ишланмалар кенг омма эътиборига ҳавола этилади. Бу орқали эса жамиятда инновацион қарашларни ривожлантиришга эришамиз. Тадбир бежиз Инновацион ривожланиш вазириликнинг биринчи таъкилотлари билан танишиш имконини бермоқда.

Ҳафталикда яздан ортиқ маҳаллий ва хорижий ишлаб чиқарувчи, инноваторлар, университетлар ўз

ишланмалари, тадқиқот маҳсуллари билан катнашмоқда. Улар орасида навқирон авлод вакилларининг кўпчилиги инновацион ғояларни амалиётга кенг жорий этиш орқали мамлакат илмий-техник тараққиётига муносиб ҳисса қўша оладиган салоҳиятли ёшлар етишиб келаётганидан далолатдир.

Инновацион ғоялар ҳафталигини ёшларсиз тасаввур қилиб бўлмайди, — деди Инновациялар миллий офиси директори ўринбосари Акбархон Собирхонов. — Ҳафта-



ликда ёшлар учун жуда кўп тадбирлар режалаштирилган. Жорий йил бошидан буён бутун республика бўйлаб ўтказиб келинаётган технологик ривожланиш марафони ана шундай тадбирлардан биридир. Марафоннинг асосий мақсади айнан стартапгача етиб кела олмаган ёшларни бир жойга йиғиш, уларга ғояни қандай яратиш, ғоядан прототипгача бўлган жараён ва ўз тадбиркорлигини бошлаш борасида билим ва кўникма беришдир.

Форумда 44 та янги лойиҳа билан бирга тижоратлаштирилаётган инновацион ишланмалар ҳамда инновацион ҳудудларда ишлаб чиқарилаётган 200 дан ортиқ маҳсулот, 2022 йилда ишлаб чиқарилиши режалаштирилаётган инновацион ишланмалар тақдим этилмоқда. Мазкур лойиҳалар асосан қишлоқ ҳўжалиги, тиббиёт ва фармацевтика ҳамда энергетика соҳаларига тегишли. Ҳафталик уларга янги ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, лойиҳаларини ишлаб чиқаришга янада кенг татбиқ этишда майдон вазифасини ўтамоқда.



— Бухоро вилоятининг Ромитан туманидан келдик, — дейди “TURON KOMPLEKT” масъулият чекланган жамияти раҳбари Жамшид Собиров. — Ўзбекистонда илк бор қуввати 250 литрдан 35 тоннагача бўлган сув филтрлари лойиҳасига Инновацион ривожланиш вазирилик томонидан 850 миллион сўм маблағ ажратилган. Ўз маблағимизни қўшган ҳолда тижоратлаштириб, амалиётга татбиқ қилдик. Бу сув филтрлари аҳолини тоза ичимлик сув билан таъминлашдан ташқари боғдорчилик, иссиқхоналар, йирик завод ва фабрикалар, қолаверса, тоза сувга талаб бор барча қатламни қамраб олишга мўлжалланган. Ҳафталикнинг илк кунда 400 миллион сўмлик шартнома имзолаганимиз лойиҳанинг истиқболли эканидан далолат беради.

Ҳафталик дастуридан ўрин олган “Сунъий интеллект — технологик ривожланиш асоси” мавзусидаги халқро конференцияда бутунги кунда рақамлаштиришга катта эҳтиёж сезаётган тиббиёт соҳасидаги бир неча сунъий интеллектга эътибор қаратилади.

Ҳафталик доирасида 24-26 ноябрь кунлари анъанавий “International Robotics Challenge — 2021” робототехника мусобақаси бўлиб ўтади. 16 ёшдан 22 ёшгача бўлганларни қамраб олган ушбу мусобақада робототехникага қизиқувчи ёшлар ўзаро беллашади ҳамда энг яхши иштирокчилар қимматбахо совғалар билан тақдирланади. Бу йилги мусобақада 20 та мамлакатдан иштирокчилар катнашмоқда.

InnoWeek.Uz-2021 ҳафталиги доирасидаги “Тадқиқотларни тижоратлаштириш ва технология трансферининг инновацион стратегиялари” минтақавий семинарида тажрибали спикерлар дунё тажрибаси асосида технологияларни трансфер қилиш

ва тижоратлаштиришни ривожлантиришда давлат сиёсатининг ўрни, интеллектуал мулк бошқаруви ва технологияларни лицензиялаш хусусида сўз юртади. Шунингдек, ҳукумат-саноат-илмий фаолият ҳамкорлигини ривожлантиришнинг энг яхши амалиёти ҳамда технологиялар трансферавий трансферини оsonлаштириш учун минтақавий ҳамкорлик каби долзарб масалаларда керакли маълумотлар берилди. Семинар давомида технология трансфери ва тижоратлаштиришда юзага келаётган асосий муаммоларни бартараф этиш мақсадида ечим бўладиган амалиёт ва тажрибаларни муҳокама қилиш кўзда тутилган.

Ҳафталикнинг яна бир ёрқин тадбири “Водород технологиялари, қайта тикланувчи энергия манбалари ва энергия тежамкорлиги соҳасидаги илмий тадқиқотларни ривожлантириш” мавзусидаги конференцияда энергия-самарадорлик ва энергиятежамкорликка эришиш йўллари хусусида маърузалар тингланади. Конференцияда соҳанинг халқро миқёсдаги тажрибали мутахассислари қатнашди. Жумладан, энергия манбаларининг тақчиллиги билан боғлиқ глобал муаммоларнинг инновацион ечимлари ҳамда уларни ҳаётга татбиқ этиш йўллари муҳокама қилинади.

Ҳафталик доирасида қайта тикланувчи энергетика ва “яшил” водород технологиялари ҳамда энергиясамарадорлик ва энергиятежамкорлик соҳаларининг ривожига тааллуқли янги технологиялар, маҳсулотлар, ғоялар, лойиҳалар кўргазмалари ташкил этилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида водород энергетикасининг ривожланиш ҳолати бўйича йиллик ҳисобот тақдимоти ўтказилади.

Ҳафталик офлайн ва онлайн тарзда бўлиб ўтмоқда. Унда дунёнинг 50 га яқин мамлакатидан ихтирочилар, инвесторлар ва илм-фан намоёндалари иштирок этмоқда.

**Рисолат МАДИЕВА,**  
**“Янги Ўзбекистон” муҳбири**





# ҚАДИМ ТАРИХ ТИЛСИМИ



Тошпўлат ТУГАЛОВ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
Самарқанд бўлими раҳбари

## Афсонага айланган Афросиёб

Самарқанд Сўғдиёнанинг пойтахти сифатида ўзбек давлатчилигининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган. Асос солинганига йигирма етти асрдан кўп вақт бўлган шаҳар тарихи шонли ва суронлидир.

Ушбу қадим кентда археологлар олиб бораётган илмий изланишлар билан яқиндан танишиш мақсадида тарих фанлари доктори, археолог Муҳаммаджон Исомиддинов ҳамроҳлигида Афросиёбда бўлди.

Олим билан изма-из қадим салтанат харобалари жойлашган тепаликларга кўтариламиз. Илон изли сўқмоқлар орқали бутун Афросиёбни кезиб чиқиш, зиёрат қилиш мумкин. Бироқ бир неча асрлар олдин завол топган шахристоннинг ҳар қарич ери қадим тарих тилсими. Йўлда Муҳаммаджон акани саволга тутдим:

— Бу пасту баянд тепаликларда аслида қандай қошоналар бўлган?

Домла тарихга айланган ҳар бир тепаликка изоҳ бериб, бу ерда бир замонлар ҳукмдор ари, саройлар, қушхузули боғлар, мудофиа деворлари юксалиб тургани, қудратли салтанат бўлганини мароқ билан сўзлайди.

Биз ўзбек-француз халқаро археологик экспедицияси қазилма ишлари олиб борган манзилларга етдик. Жорий йилда Афросиёб ёдгорлигининг икки ерида қазилма ишлари ўтказилибди. Уларнинг бири Афросиёб ташқи деворининг жанубий дарвозаси олдида бўлса, иккинчиси шаҳар аркининг шарқий қисмида.

— 219 гектарни эгаллаган Афросиёб шаҳри бирин-кетин қурилган тўртта мудофиа деворидан иборат бўлиб, унинг биринчи ва тўртинчи девори энг қадимгилари ҳисобланади, — дейди Муҳаммаджон ака. — Яъни шаҳарга дастлаб асос солинган пайтдаёқ шимоллий қисми бошқа қисмларидан алоҳида девор билан ажратиб олинган. Бу шаҳар ҳокими ёки Сўғд давлати подшоҳининг қароргоҳи вазифасини ўтаган. Шаҳарнинг иккинчи девори илк ўрта асрларда, учинчи девори эса сал кейинроқ қурилган. Тўртинчи деворда олиб борилган бу йилги археологик қазилма ишларидан кўзланган мақсад унинг қадимги қатламларини кенг жамоатчилиikka кўрсатишдир. Ушбу мудофиа деворининг қўйи қатламлари гуваладан кўтарилган, қалинлиги 6-7 метр атрофида бўлган.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, мана шу илмий изланишларда археологлар янги замонавий технологиялардан унумли фойдаланган. Ашъвий далиллардан олинган намуналар Франциядаги илмий-тадқиқотлар марказига қарашли лабораторияда радиокарбон анализ қилинган ва таҳлиллар қадимий Самарқандга бундан 27 аср бурун асос солинганини исботлади. Бундан ташқари, кўрсатилган илмий асослар ЮНЕСКОнинг шахрлар ёштини аниқлашга доир 10 та шартига мос келган.

— Умуман олганда, шаҳар тарихини ўрганишни уч босқичга бўлиш мумкин. Бу ерларга дастлаб Афросиёбни ўрганиш истагида бўлган рус олимлари, шарқшунослари ҳамда харбийлари

келган, — дейди Муҳаммаджон ака. — Уларнинг саргузаштлари ҳам қизиқ, 1841 йилда Бухоро амирлигига келган Н.В.Хаников Афросиёбни ўрганиб, Самарқандни биринчи бўлиб топографик харитага туширган. Юртимиз Россия империяси томонидан босиб олингандан сўнг Афросиёбда қазил ишлари асосан харбийлар томонидан олиб борилган бу изланишлар бойлик ортиришни мақсад қилган. Кейинчалик В.В.Крестовский раҳбарлигида қазилма ишлари амалга оширилган. У қўллаган археологик методлар талабга жавоб бермаган бўлса-да, Афросиёбда эллинизм даврига оид қатлам топилиган. 1883 йилда шарқшунос Н.И.Веселовский тўрт ой ичида жуда жадаллик билан 109 та жойда қазил ишларини олиб борган. У тузган топографик харита кейинчалик иш берди. 1894-1895 йилларда Афросиёб харобаларида франциялик Шафранжон “ажабтовур” услубдан фойдаланган. У қадимий шаҳарнинг маданий қатламидан, кўплаб тарихий ашёларни кўлга киритган. Ҳозирда бу қимматли топилимлар Париждаги Гимэ музейида сақланади. Шунингдек, С.М.Горшенина, В.Л.Вяткин ҳам тадиқотлар олиб борган. 1930-1950 йилларда қадим шаҳар тарихини талқин этишда қўплаб уринишлар бўлган.

XX асрнинг 60-йилларидан Самарқандда ва, умуман, Марказий Осиёда археология соҳасига муносабат сифат жиҳатидан ўзгара бошлади. Бу даврда қазилма ишлари бутун вилоят бўйича олиб борилди. Афросиёб давлат қўриқхонасига айлантирилди. Афросиёбнинг кўп қатламли, устма-уст тушган иншоотлардан иборат эканлиги қадимий шаҳарнинг антик даврини ўрганишида



олимларимизга анча қийинчиликлар туғдиrsa-да, бу ердаги археологик изланишлар асло тўхтаган эмас.

Мустақиллик йилларига келиб, археологлар бутун Ўзбекистон миқёсда иш олиб бориб, чинакамга ўз сўзини айта бошлади. Бу соҳада халқаро алоқалар тикланиб, ўзаро манфаатли шартномалар имзоланди. Жўмладан, 1988 йилда Ўзбекистон — Франция археологик қўшма экспедицияси йўлга қўйилди. Дастлаб археологик қазилмалар шу йили дунёга машҳур тарихий ёдгорликдан бошланди. Бу эса Афросиёбда олиб борилаётган илмий тадиқотларни янги босқичга олиб чиқди. Франциядан тажрибали олимлар — академик Поль Бернар, экспедиция бошлиғи Франц Грене, илмий ходимлар Клод Рапен, Бертиль Лионе, географ Пьер Жантель ва бошқалар бизнинг археологларимиз Х. Охунбоев, Н. Раҳимбоев, Л. Соколовская ва И. Иваницкий билан жуда самарали ишлади. Афросиёб, Челақдаги Кўктепада эришилган илмий ютуқлар бунга бир мисолдир. Ҳамкорлик натижалари Франция ва бошқа хорижий давлатларда нашр этиладиган нуфузли газета ва журналларда эълон қилиниб борилмоқда.

Бой ва гуллаб-яшнаган шаҳар Афросиёб бир замонлар мустаҳкам қалъа, Сўғд пойтахти сифатида ўзга мамлакатлар ҳукмдорлари эътиборини тортиб келган. Қўлай ва мўтадил иқлим, ҳосилдор ер ва яйловлар кўпчили, қолаверса, тўрт фаслининг намоён бўлиши ҳам асосий сабабларидан бири эди.

Дехқончилик ривож топгани боис, палми ерлардан ҳам юқори ҳосил олишга эришилган. Ҳашаматли саройлар қуриш ва безашда, қурол-яроғ ясашда маъданлардан фойдаланишни яхши билишган. Олтин, қумуш, мис, темир, мрамар ва оҳақтошлар каби бойликлар бу заминда жуда сероблиги битикларда ҳам қайд этилган.

— Самарқанд Ўзбекистоннинг дурдонаси. Афросиёбда кўп ишладим. Унга руҳий жиҳатдан жуда яқинман, — дея ҳикоясини давом эттиради Муҳаммаджон ака. — Шаҳарнинг қуйан бағри, малҳам истаб ётган тупроғи билан гаплашишимизга тўғри келади. Ишимиз шунақа. Шу боис, қадимий Самарқанднинг ободлигига замин яратган сўғориш манбаларини ўрганиб чиққанман. Айниқса, бу дийрга тоғлардан тушиб, ҳаёт бағишлаб турган сой ва дарёлар кўпчилиги деҳқончиликнинг ривожланишида кўл келган. Шаҳар ҳудудидаги булоқлар қайнаб турган. Зарафшон дарёси, Дарғом, Булунгур, Сиёб каби 100 километр узунликдаги каналлар қазилгач, 70 минг гектардан ошди ерда деҳқончилик қилиш имконияти туғилган. Бу эса қадимий Афросиёб гуллаб-яшнаши ва ободлигига сабаб бўлган.

Бугун қадим Афросиёб салтанати осуда уйқуда, тарихнинг ҳукмида. Унинг тинчини баъзи-баъзида археологлар, биз каби ижодкорлар, бир-бирини қувиб юрган болалар бўзиб тураришди. Вақт топсангиз, сиз ҳам шу тепаликларни кезинг, тарих билан юзлашинг, гаплашинг. Бу каби зиёратлар бизга гурур бағишлайди. Мазийдан сабоқ олиб, келажакни бунёд этишни ўргатади.



## Мустақил ёки илмий туризм

Жаҳон сайёҳлик тизимида кейинги йилларда оммавий туризм билан бирга турли тармоқларга оид сайёҳлик йўналишлари ҳам пайдо бўляпти. Бундан кўринадики, тиниб-тинчимас одамлар уйда ўтиришни эмас, балки дунё кўришни, инон-ихтиёрлари ўзида бўлишини исташади. Мустақил ёки илмий туризм деб аталувчи янги йўналиш туристнинг саёхат давомида ҳам худди қушдек эркин ва ўз қизиқишлари билан дахлсиз шуғулланиш, ўзига ҳаммаслар топши истагидан пайдо бўлди.

Мустақил туризм сайёҳлар учун индивидуаллик, яъни алоҳида ҳаракат қилиш имкониятини яратувчи, ўз қизиқишлари юзасидан шахсий кузатувлар олиб бориши учун мўлжалланган жуда қизқарли йўналишдир. Дастлаб Европада шаклланган ушбу йўналишнинг асосий объеклари тарихий қадамжолар ва обидалар, қасрлар ва қўрғонлар, ғорлар, янги иншоотлар, илм-фан ва табиат муъжизалари бўлиб, у ёлғиз ёки ҳамфикр, икки-уч сайёҳнинг жамоавий саёхатларидан ажралиб ҳаракатланишни аниқлатади.

Самарқанд бой тарихий мероси, табиий жойлашуви, миллий урф-одатлари, иқлим ва экологияси билан бундай туризм учун жуда қўлай маскандир. Вилоятдаги тарихий қадамжолар, меъморий обидалар, бетакор табиат муъжизалари кўпчилиги уларни қўлаб, ҳатто ойлаб ўрганишни тақозо этади. Йилдан-

йилга ривожланиб, тармоқланиб бораётган туризм соҳаси дунё тарихи, инсон тамаддуни бешиклари изларини кўриш, ўзга маданиятлар жиҳосидан баҳраманд бўлиш истагида бўлган, умуман олганда, сайру саёхатга қизиқувчиларнинг ортиб боришига имкон туғдирмоқда.

Самарқандга келган сайёҳлар эртакмонанд юртга тушиб қолганлари, вақтлари жуда қизқарли ва мазмунли



ўтаётгани ҳақида ҳаяжон билан сўзлаб беради. Мана уларнинг фикрлари.

## Руперт ЛОКВУД, австралиялик публицист:

— Самарқанд билан танишиш журналистик фаолиятимда ноёб саҳифани очди, гузал миноралар пойида ҳайратга чўмдим. Инсон ақл-заковати қудратига, умрбоқий меъморчилик санъатига лол қолдим.

## Чи Донг ФАН, Пекин университети профессори:

— Эслаб кўрсам, Самарқандга мустақиллик эълон қилинишидан икки ой аввал келган эканман. У давр билан бугунги кунни сира таққослаб бўлмайди. Самарқанд жуда ўзгариб кетибди. Танимай қолдим. Хитой — ўзбек алоқалари асрларга тенг. У бугун ҳам давом этапти. Бундан биз, археологлар ҳам четда турганимиз йўқ. Режаларимиз катта. Буюк ипак йўли манзиллохларидан бири бўлган ғарб билан шарқни боғлаб турган йўлда жойлашган Самарқанд абадий. Ўзбекистоннинг келажиги янада нурафшон деб ўйлайман.

## Сильвия ШУВАЛИ, франциялик сайёҳ:

— Ўзбекистон бўйлаб саёхат бошлаганимизга икки кун бўлди ва таассуротларимиз бир олам. Юртингизнинг кўёшли эканлигини билардик. Шу боис, шахрингиздаги қадимий обидаларни бемалол томоша қилгилариз. Тарихий обидалардаги ложувард ранг бизни ҳайратга солди. Гўмбазлар худди осмонга қўшилиб кетганга ўхшайди. Бу ерда Самарқанд ҳақида китоблар ва интернетдан олган билимидан кўра кўпроқ маълумотларга эга бўлайман. Ҳаммаси жуда гузал...

\*\*\*

Меҳмонларимиз ҳақ. Яқин ўтган йиллар ичида мамлакатимизда амалга оширилган улкан ўзгаришларни ҳаммамиз билди, кўриб турибмиз, янги марралар, янги Ўзбекистон қуриш сари одимляпмиз. Туризм шаҳрига айланиб бораётган Самарқанд юртимизда тарихий обидалари энг кўп маскан сифатида сайёҳ ва меҳмонларни жалб этиши табиий.

Мустақил ёки янада аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, илмий туризм тарихий обидаларга ташкил этиладиган уюшган саёхатдан фарқ қилади. Ҳар бир сайёҳ ўз режаси асосида маълум бир обидаларга мустақил равишда бориши, тарихий манзилда бир неча

кун қолиб, бирор тарихий воқеа ёки обидани ҳар томонлама ўрганиши, археологик қазилмаларни кузатиб, ашъвий далилларни кўздан кечириши, бой таассуротларга эга бўлиши мумкин. Эндилкида вилоятда ҳам тегишли муассасалар ва ҳокимлик томонидан ана шундай йўналишларни ташкил этиш бўйича хорижлик ҳамкорлар билан амалий ишлар олиб бориляпти.

Ўзбекистонда мустақил туризмни ривожлантириш истиқболлари чексиз. Ушбу мавзуда археологик туризм йўналиши мутахассислари — Италиянинг Болония университети илмий ходими Симоне Монтелени ва Буюк Британиялик Томазо Пипандан самарқандлик археологлар билан ҳамкорликда иш-



## Кофирқалъада топилган ҳужжатлар мозийдан сўзлайди

Кофирқалъа Самарқанд шаҳрига яқин бўлиб, у ерга бориш ортиқча харажат талаб этмайди. Қадимий шаҳар харобасидан топилиган ашёлар узоқ тарихдан сўзлайди.

Сайёҳга Кофирқалъадаги қадимий таңдирда нон ёпиш жараёни, миллий овқатларни ўчоқда пишириш, ўша давр рўзгор идишларидан фойдаланишни кўрсатиб бериш мумкин. Бунинг учун ҳозирда ушбу тарихий обидани таъмирлаш ва туристик йўналишларни белгилаш режаси ишлаб чиқилмоқда. Яқин келажакда Кофирқалъага олиб борадиган йўллар солиниб, унинг жанубий томонидаги зиналарни тиклаш, дам оладиган, автомобилналар қўядиган жойлар қурилади. Албатта, бу истиқбол режаси. Уни амалга ошириш учун барча имкониятлар мавжуд.

— Ўзбекистонга келишни истовчи туристлар бу ерда нималарни кўришни хоҳлайди, деган ҳақли савол туғилади. Келинг, бунга ҳам аниқлик киритиб оламиз, — дейди Томазо Пипан. — Интернет сўровларига кўра, бу саёхати орқали турист, энг аввало, афсоналарга бой Буюк ипак йўли ва шу манзилда жойлашган мамлакатлар билан танишишни хоҳлайди. Танлаган йўналишини пиёда юриб, сайр қилишни истовчилар ҳам бор. Улар 18-25 ёшли сайёҳлардир. Бу тоифадагилар кўнгилочар учрашувлар, қизқарли тадбирлар, ўзаро дўстлашиш, табиатдан баҳраманд бўлиш, халқлар тарихини ўрганишни маъқул кўради. Кейингиси эркин ҳаракатланувчи туристлар бўлиб, улар 25-50 ёш атрофида. Уларни юртингиз маданияти ва бой миллий мероси, тарих ва архитектураси, табиат ва миллий таомлари қизиқтиради. Маълум бўлишича, 55 ёшдан ошган туристлар кунига 300 доллардан сарфлаш имкониятига эга экан. Бундай сайёҳлар биринчи галда қўлайлик ва хавфсизликка эътибор қаратади. Урта Осиё ва юртингиздаги маданият ва санъатга, миллий таомларга жуда қизиқади. Айтиб ўтиш жоизки, хорижлик тадиқотчилар юқорида келтирилган фактлар 2014 йилда ЮНЕСКО томонидан ўтказилган сўровлар асосида умумлаштирилган. Мустақил туризмни йўлга қўйиш ва бу режани амалга оширишда асосий омил — бой тарихга эга бўлган Самарқанднинг қадимий обидалари — тарихий қадамжолар муҳим ўрин тутади. Сайёҳликнинг бу янги йўналиши илмийлик касб этиб, сайёҳ юртингиз тарихини ўрганиш билан биргаликда “Буюк ипак йўли” йўналишидаги маданий-иқтисодий алоқалар қолдирган қадимий изларни ҳам кўради. Европалик турист учун бу танлов янги йўналиш ҳисобланади. Биз, археологлар аини кўнларда шу жиҳатларни инобатга олиб, тарихий обидаларга қаратилган оммавий туризмнинг янги турини амалга ошириш режаси устида иш олиб борапмиз.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистонга энг кўп сайёҳ Голландия, Германия, Швеция, Франция, Япониядан келар экан. Бу туристларнинг юқорида қайд этилган тарихий манзил — Кофирқалъага боришларини ташкил этиш сайёҳликдан тушаётган маблағ янада кўпайишига олиб келади.

Шунингдек, бу йўналиш туристларнинг Буюк ипак йўли, Александр Македонский, Чингизхон, Соҳибқирон Амир Темур тарихига қизиқишлари билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Бундай саёхатни ҳар қандай институти фирма ёки археология институти маъмурияти шартнома асосида амалга ошириши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, соҳа мутахассислари таъкидлаганидек, сайёҳлик дунёни таниш ва англаш, турли тамаддулар, ўзга халқлар турмуш тарзи, тарихи ва маданиятини ўрганиш, ер кўрсанинг таровати ҳамда табиат муъжизаларидан баҳраманд бўлиш демокдир. Учинчи Ренессанс арафасида турган Ўзбекистон, янглирани дунёга юз очган мамлакат тарихи ва бугуни, албатта, сайёҳларни ўзига жалб этиши бор гап. Шу боис, Буюк ипак йўли манзиллари бўйлаб номи гузал афсоналарга чулғаниб келган қадимий Самарқандга келадиган туристлар сони йилдан-йилга ортиб бораётгани туристик йўналишлар кўпайишига олиб келади.



|                                                                  |                                                                                                                   |                                                                                                                                                                                                                                                                                              |                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                                |                                                                                                  |
|------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------|
| “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК | Бош муҳаррир:<br>Салим ДОНИЁРОВ                                                                                   | Тахририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.<br>Газетанинг етказиб берилиши учун оубани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.<br>Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.<br>Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул. | Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.<br><b>Нашр индекси</b> — 236. <b>Буюртма</b> — 3824<br><b>Ҳажми</b> — 3 табоқ. <b>Офсет</b> усулида босилган. <b>Қоғоз бичими</b> А2.<br>Баҳоси келишилган нархда. | Навбатчи муҳаррир: Баҳор Хидирова<br>Мусаххих: Асолат Аҳмадқуллова<br>Дизайнер: Хуршид Абдуллаев |
| МУАССИС:<br>Ўзбекистон Республикаси<br>Вазирлар Маҳкамаси        | Девонхона: (0-371) 233-70-98<br>Котибият: (0-371) 233-56-60<br>Эълонлар: (0-371) 233-57-15<br>E-mail: info@yuz.uz | Манзилимиз:<br>100029, Тошкент шаҳри,<br>Матбуотчилар кўчаси, 32-уй                                                                                                                                                                                                                          | ЎЗА якуни — 03:15<br>Тошпирилди — 04:00                                                                                                                                                                                                                                                                                                        |                                                                                                  |